



# Тараққиётнинг аниқ ва тўғри мезони

муносиб турмуш шароити яратишда муҳим омил бўлади

Давоми. Боши 1 - бетда

Масалан, Ўзбекистонда ҳозирга қадар ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 20 миллиард АҚШ долларидан ортиб кетган бўлса, бунинг 15 фоизи юқори технологияли соҳа — ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар ривожига йўналтирилган. Биргина ўтган йилги иқтисодий таъминотга сарфланган сармояларнинг деярли тенг ярми технологияларни янгилаш ва замонавий ускуналар харид қилишга йиштирилди.

Юқори технологияли иқтисодийнинг шакллантирилувигани энгил ва автомобиль салоати, транспорт соҳаси, айниқса, алоқа хизмати ва коммуникациялар тизимида юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, мамлакат ялли ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига кўмак берди. Натигада иқтисодий таъминот таркибига чуқур ўзгаришлар амалга ошириб, охириги тўрт йилда ялли ички маҳсулотда саноат улуши 1,5 бараварга кўпайди.

Яна бир эътиборли томони шуки, бу ютуқлар Ўзбекистоннинг экспорт таркибига ҳам сифат ўзгаришларини олиб кирди. Авваллари республикамиздан ташқарига чиқариладиган маҳсулотларнинг асосий қисмини пахта толаси, қимматбаҳо металллар ва бошқа хомашелар ташкил этарди. Кейинги олти йил ичида эса экспорт қилинадиган товар маҳсулотлари ҳажми икки баравардан кўпроққа орди. Биргина ўтган йилнинг ўзида бу кўрсаткич салкам учдан бир ҳиссасига кўпайди. Аини вақтда экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ва хизматлар улуши 53 фоиздан ортиқ, Хусусан, сўнгги йилларда чет элларга кўпроқ тайёр маҳсулотлар: автомобиллар, нефть-кимё, металл, сим-ка-

бель маҳсулотлари, ип-калав ва газлама, трикотаж буюмлар, қурилиш материаллари экспорт қилинмоқда.

Ўтган йили алоқа ва ахборот технологиялари соҳаси бўйича 584,1 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди. Интернет технологиялари соҳаси бўйича 584,1 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди. Интернет технологиялари соҳаси бўйича 584,1 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди.

Интернет технологиялари соҳаси бўйича 584,1 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди.

Интернет технологиялари соҳаси бўйича 584,1 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди.

аҳамият берилаяпти. Жумладан, ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида илмий, маданий-маърифий муассасаларни компьютерлаштириш, уларни интернет тармоғига улаш юзасидан кенг қамровли ишларни бажариш кўзда тутилган. Шунингдек, телефон алоқаси ва почта хизмати шохбачаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш иқтисодий таъминотини янада юксалтиришга илҳом берди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди.

Интернет технологиялари соҳаси бўйича 584,1 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди.

ва ҳозир республикамизда 3500 тадан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётгани аниқ шундай имтиёз ва қулайликлар самарасидир.

Иқтисодий салоҳиятимиз намуналарини хорижий шерикларга етказиш мақсадида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ваътаириш қўшма корхоналари ташкил этилди. Улар ўсиб келаётган еш авлод тарбиясида, мамлакатда ўтказилаётган кенг миқёсда ислохотларда муҳим роль ўйнайди.

Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизлар ҳақ-хуқуқларини таъминлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасида олиб борилаётган илҳом берди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди.

Интернет технологиялари соҳаси бўйича 584,1 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди.

# Аёл ҳуқуқи ва манфаати

Давоми. Боши 1 - бетда

Хозир республикамизда 50 минг ортиқ аёл турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида 18 нафар, Сенатда — 15 нафар аёл фаолият олиб бораётди. Умуман, хотин-қизлар юртимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этади. Улар ўсиб келаётган еш авлод тарбиясида, мамлакатда ўтказилаётган кенг миқёсда ислохотларда муҳим роль ўйнайди.

Тадбирда мамлакатимизда хотин-қизлар ҳақ-хуқуқларини таъминлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасида олиб борилаётган илҳом берди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди.

Интернет технологиялари соҳаси бўйича 584,1 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди. Унинг ҳажми бир йилдаёқ 147,8 фоизга кўпайди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳам ўз фаолиятида мазкур масалага алоҳида эътибор бермоқда. Хозир партия аъзоларининг 32 фоизини аёллар ташкил этади. Ўзбекистон социал-демократлари ўз гоёлари ва дастурлари асосида барча аёлларни фаоллик, ислохотларда жонбозлиқ кўрсатишга даъват этаётгани аҳамиятга молик.

"Ижтимоий ҳимоя йили"да партия томонидан аҳолининг кам таъминланган, ноқор қатламларига ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, кўп болали оилалар, кекса, ёлғиз аёллар, ишсизлар, ногиронлар партиянинг диққат-эътиборида. Ушбу навабатда "Адолат" СДП Қонунчилик палатасидаги фракцияси иш режасида аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга оид ташаббуслар, режалари билан бирга, алоҳида кўнун лойиҳалари тайёрланаётгани ҳам таъкидлаш жоиз.

Давлат бошқарувида аёллар ролининг оширишга Президентимиз томонидан парламент қонунчилик ташаббуси тартибидан киритилган "Давлат бошқар-

уви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатини модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг киритилиши ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонун лойиҳасининг амалиётга тадбиқ қилиниши сиёсий партиялар фаолиятининг самардорлиги учун ҳуқуқий асосни, фуқароларнинг турли демократик институтлар орқали давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиради, шу асосда маҳаллий халқ ҳокимияти билан мустақамлашга имконият яратади.

Хозирги барча давлатларнинг барқарор демократик таркибидеги қўшма корхоналар ва аёлларнинг ҳуқуқий тенглигини, ижтимоий-сиёсий ҳаётда уларнинг фаол қатнашувини таъминлашга боғлиқ, дейди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дипломер Тошмухамедова. Ҳундер тенглиги бўлгунча кўнунда барча тараққий этган давлатларда тан олинган ҳамда адо-

латли ва барқарор ижтимоий тизим ривожий концепциясининг асосий таркибига айланган, дунёнинг кўпгина мамлакатлари конституцияларида, қатор халқор ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Ўзбекистонда ушбу масалага эътибор давлат сиёсати даражасида кўтарилган ва доимо давлатимиз раҳбари Ислам Каримов диққат-эътиборида.

Барча даражада қарорлар қабул қилиниш жараёнида хотин-қизлар ва эркаклар тенглигини таъминлаш борасидаги бундай сиёсий қарарлар қарамай, давр мазкур ишлар қўнунини кенгайтириши талаб этмоқда. Тадбирда бу борадаги муаммоларни амалий ечими борасида аирим тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда адалат ва демократия тамойилларининг муҳим босқичи — жамиятда хотин-қизларнинг ҳақ-хуқуқ ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш, эркаклар ва аёлларнинг тенглиги, ёш оилаларга эътиборни янада оширишга бағишланган маърузалар тинланди.

Ўз мухбири

# Ҳамкорликда ҳикмат кўп



Пойтахтимиздаги Тошкент архитектура ва қурилиш институтидеги "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Кенгашининг ташаббуси билан "Давлат бошқарувида партияларнинг роли" мавзусида анжуман ўтказилди. Унда партия фаоллари, талаба-ёшлар, ёзувчи ва олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

мақсад ҳам талаба-ёшлар, ёш мутахассисларни партия сафига жалб қилиш ва шу орқали ҳамкорлик фаолиятини янада кенгайтиришдан иборат — дейди "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Кенгаши биринчи котиби Шавкат Шокиров. — Бугунги тадбирда талабалар эътиборга молик ташаббуслар, кимматли фикр-мулоҳазалар билдиришди. Умуман, тадбир қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлдики, бу эса ёшларнинг партия фаолиятига бефарқ эмасликлари билан далел беради.

Таъкидлаш жоизки, партия кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишда фаол қатнашмоқда. Ёшлар-

нинг замонавий таълим олишлари, касб-хунар эгаллаш, тугар-жой ётоқхоналарига эга бўлиш, уларни қайта таъмирлаш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётди. Қолаверса, ушбу саъй-ҳаракатимиз Шайхонтоҳур тумани ёшлар қаноти фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилса ажабмас.

Тадбирда атоқли ёзувчи Тоҳир Малик иштирок этди ва ҳукуматимиз томонидан партиялар фаолиятини янада кўпайтириш, таъминот соҳасидаги ислохотларни ривожлантиришга оид амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан уртоқлашди.

Ўз мухбири

# Тадбиркор ва ишбилармонлар танлови

Самарқандда «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичига якуни ясалди. Ушлаб фермер, тадбиркор ҳамда хунарманд усталар иштирокида ўтган танлов энг яхши касб соҳибларини аниқлабгина қолмай, ислохотларни жадал ривожлантиришнинг янги имкониятларини ҳам намойиш этди. Хусусан янги иш ўринларини очиб, экспортдоп маҳсулотлар тайёрлаш ва хорижий сармояларни ишлаб чиқаришга жалб этиш танлов ҳайъатининг асосий шартлари қилиб белгиланди.



Суратда: танлов голиблари — "Яшил олтин" МЧЖ раҳбари Зайниддин Ахроров, "Жаҳонжон" фирмаси директори Аъзам Бозоров ва каттақўрғонлик фермер Одилжон Носиров. Зоҳир ТУРАҚУЛОВ олан сурат

Тадбиркор ва фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, халқ амалий санъати ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган анъанавий «Ташаббус» кўрик танловининг вилоят босқичлари якунланди. Унда ўн етти йўналиш бўйича иштирокчилар ўз имкониятларини намойиш этишди.

Улар орасида айниқса, «Адолат» СДП аъзолари ҳам иштирок этиб, голибликни қўлга киритаётгани аҳамиятга молик. Шулардан бири танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида «Энг яхши хунарманд» номинацияси бўйича Нукус туманидан голиб бўлган қулолчи расом Иброҳим Жолимбетовдир.

— Ёшлигимдан қулолчилик билан шугулланиб келганим менга кўп келди, — дейди қаҳрамонимиз. — Мақтанганимга йўлмангу, Қорақалпоғистонда кўнун қулолчилик ташкилотлари менаги ишларимдан намуналар бор десам янгилиш-

маган бўламан. 1991 йилда Москва халқор симпозиумида «Жаҳон халқлари бадиий хунари» уюшмасининг вице-президенти этиб сайландим. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирландим. Шунингдек, 2002 йилда Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият арбоби унвонини ҳам қўлга киритдим.

Ҳақиқатдан ҳам Иброҳим Жолимбетов бошқа расомлардан ташаббускор ва талабчанили билан алоҳида ажраллиб туради. Ажаб эмас қаҳрамонимиз Республика бо-

сқичида ҳам голибликни қўлга киритса.

Жорий йилнинг 16 февраль кунини «Ташаббус-2007» кўрик танловининг вилоят босқичида барча туманлар ва Жиззах шаҳридан жами 47 нафар тадбиркор, фермер, хунармандлар қатнашди. Танловда ҳайъат аъзоларининг якуний ҳулосасига асосан «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича «Адолат» СДП аъзоси Гулнара Мардиева 3-ўринни эгаллади, «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича эса партия аъзоси Галлаорол туманидаги «Шохрух Хотамов» фермер хўжалиғи раҳбари Асқар Саримсоқов ҳам фахрли 3-ўрин соҳиб бўлди. Шунингдек, «Ташаббус-2007» кўрик-танлови вилоят босқичининг 7 та асосий ва 3 та қўшимча номинациялари бўйича партия аъзоларидан қуйидагилар соғирлини ўринларини қўлга киритишди: «Энг яхши

тадбиркор аёл» номинацияси бўйича 1-ўрин Мирзачўл туманидаги хусусий тадбиркор Икболхон Аҳрамовага, 2-ўрини Пахтакор туманидаги хусусий тадбиркор Мухаббат Эгамовага насиб этди.

«Энг мурувватли тадбиркор» номинацияси бўйича 1-ўрини Пахтакор туманидаги хусусий тадбиркор Мухаббат Уролова эгаллади. «Қишлоқ турмуш маданиятини яхшилашдаги хизматлари учун» Арнасоти туманидаги «Арносоти толаси» Фермер хўжалиғи раҳбари Шарофат Нажмиддинова 1-ўринни олди. «Энг яхши матбуот журналисти» номинацияси бўйича «Адолат ёлқини» газетаси муҳбири, «Адолат» СДП аъзоси Сайёра Бурунова голиб деб топилди.

Улар «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг республика босқичига йўналма олди.

Бектош АЗИМОВ

# Бошланғич партия ташкилотларида

## Хайрихоҳлар кўпаймоқда

Музрот кичик ва ўрта бизнес коллежи туман марказидан йигирма километр олисда жойлашган. 1969 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келаётган билим даргоҳида ҳозирги кунда 1248 нафар талаба тахсил олаётди. Эътиборли жиҳати, бундан бир йил олдин коллежда бошланғич партия ташкилоти тузилган. Ана шу қисқа вақт ичида бошланғич ташкилот фаолияти изчил йўлга қўйилди, партия аъзоларининг сони сезиларли даражада кўпайиб, сифат жиҳатдан янги даражага кўтарилди.

— Шу кунларда 40 дан ортиқ ёш йигит-қизлар сафимизни жипслаштирган, — дейди коллеж бошланғич партия ташкилоти котиби Тўра Қурбонов. — Вилоят ва туман партия Кенгашлари самарали иш олиб боришимиз учун йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам аъзоларимиз фаолияти ортиб бораёпти. Қолаверса, ҳудуддаги «Дўстлик» маҳалласи фаоллари билан мустаҳкам алоқамиз. Маҳалла аҳли билан ҳамкорликда турли кечалар, учрашувлар, концертлар уюштирялмоқда. Масалан, яқинда партия фаолларимиз ва маҳалла аҳли билан бўлиб ўтган учрашувда партиянинг жамият тараққиётида туганган ўрни ҳақида сўз борди.

Дарҳақиқат, коллеж ўқувчи ва ўқувчилари ўртасида «Адолат» социал-демократик партияси хайри-

хоҳлари сони кўпайиб бормоқда. Бунинг қўшма ҳисоби Ахборот-ресурс маркази бошлиғи Гулноза Холназарованинг сўзларидан англадик.

— «Адолат» СДП Низоми ва Фаолият дастури билан яхшилаб танишиб чиқдим. Партия Низомида инсон манфаати олий қадрият сифатида белгиланиб, ўртаҳол ва эҳтиёжманд аҳоли талабларига таяниш диққат-эътиборини ўзига тортиди. "Адолат"нинг мақсади, том маънода, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза этишга кўмаклашиш, ижтимоий адалат тамойилларига қатъий амал қилиш, уларнинг манфаатларини, ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, — дейди сўхбатдошимиз.

Бошланғич ташкилотнинг Муҳайё Намозова, Ҳайдар Гафуров, Шахло Фаизиева сингари жонқуяр фаоллари партия гоёларини ўқувчилар ва аҳоли ўртасида тарғиб қилишда алоҳида ўрнқ кўрсатишмоқда. Улар ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ўтказилаётган «Тероризм — аср душмани», «Огоҳлик — давр талаби», «Ўз уйимизни ўзимиз асрайлик!», «Илҳомбахш гоёларимиз сенга, Ватан», «Жамиятнинг бошқаришда аёлларнинг роли» каби мавзулардаги учрашув ва семинарлар бесапар кетмаяпти.

Турсунбой МАХМАДАЛИЕВ, «Адолат» мухбири

# Ижтимоий ҳимоя амалда

"Ижтимоий ҳимоя Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги асосий тамойилларидан бири бўлиб, бу жараёнда кучли ижтимоий сиёсат юргизиши ўзини оқламоқда. Бундай шароитда ёшлар, кексалар ва ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади". 1-Тошкент педагогика коллежиде ўтказилган йўналиш иштирокчиларининг ҳулосалари ана шундай.

"Кучли ижтимоий ҳимоя — тараққиёт омили" мавзусидаги ушбу тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг ижросига бағишланди.

Меҳр-оқибатлик, кўмак муҳтожларга хайр-саховат кўрсатиш ҳалқимизнинг азали қадриятларидан. Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида бундай эзгу анъаналар янгича маъно ва мазмун билан бойимокда. Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар, боқувчиларни йўқотган болалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими жорий этилган.

— Ижтимоий ҳимоя — одамларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эмас, унинг замирида инсонпарварлик гоёлари, адалат тамойиллари ҳам мужассамлашган, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Зухра Ботирова. — Зотан, бу масалада турлича ёндашилади. Мисол учун, айрим Европа давлатларида ижтимоий ҳимоя деган-



Давлат дастурида ижтимоий ҳимоя қилиш қўламлари янада кучайтириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтиришга қаратилган устувор вазифалар қадриятлар, урф-одатлардан келиб чиққан ҳолда эътибор берилмоқда. Бу яхши самара бераётганини жаҳон ҳамжамияти ҳам мамнуният билан эътирф этмоқда.

Йўналишда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўламлари янада кучайтириш, жамиятда ҳамжиҳат-

Б.БОТИРОВ, «Адолат» мухбири

# Учрашув

## Бандлик дастури

## Иш билан таъминланди

Мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, айниқса, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили, деб эълон қилинган эса ўтган йиллардаги хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Йил бошидан оқ жойларда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижроси юзасидан кенг қўламли ишларнинг бошлаб юборилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Ўтган йили Навоий шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан Бандлик дастурининг ижросини таъминлаш бўйича 2247 нафар киши муҳим иш билан таъминланди. Шундан 1249 нафар хотин-қизлар экани қўнунларини ҳолат.

— Жорий йилда ушбу йўналишдаги ишларимизни янада жонлантиришмоқчимиз, — дейди шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Нормамат Хусанов. — Шу мақсадда ҳуқуқ-тартибот органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораёямиз. Бу қўнунлардан ҳам яхши самара бермоқда.

Дарҳақиқат, ана шу ҳамкорлик самараси ўлароқ, қўллаб-қувватлаш муҳим иш билан таъминланаётди. Шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Натигада жами 288 нафар фуқаро турли ишларга жойлаштирилди. Мавзуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 112 та иш ўрни очилди. Шу билан бирга, ўшлаб кишилар "Қўнунлиқ саховати" корхонаси, шаҳар ободонлаштириш бўлими ва Навоий Давлат педагогика институтида вақтинчалик ҳақ тўланадиган жомат ишларига жалб қилинди.

Асқар ЖАЛИЛОВ, «Адолат» мухбири

2 март - Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун

# Халқаро ҳакам масъулияти

Бугун Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар ташкилотига аъзо бўлганига 15 йил тўлди. 1992 йилнинг 2 март санаси билан тарихга кирган оламшумул кундан эътиборан, Ўзбекистон ўз миллий ҳавфсизлигини таъминлашнинг ишончли таянчига эга бўлди. Қолаверса, республикамизнинг бу нуфузли ташкилотдаги иштироки — фақат мамлакатдагина эмас, балки Марказий Осиёда ҳам тинчлик ва барқарорликни сақлаш гарови бўлди, десак муболага бўлмас.



БМТ билан ҳамкорлигимиз тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ишонч асосида қурилган. Бундай ҳамкорлик эндиликда иқтисодий, ижтимоий соҳа маданиятини тиклаш, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа кўпдан-кўп соҳаларни ҳам қамраб олмақда. Келинг, яхшиши, дастлаб БМТ ўзи қандай ташкилот, у олдида қандай мақсад ва вазифаларни қўйган, деган саволлар ҳақида қисқача бўлса-да тўшуна олайлик. БМТ фаолият курсата бошлаганига бу йил 62 йил бўлади. Халқаро миқёсда энг юксак миновар ҳисобланган унинг Бош Ассамблеяси ана шу даврда 61 марта сессия ўтказди (Бош Ассамблея ўзининг биринчи сессиясини 1945 йилда

Лондонда ўтказган бўлса, олтинчи сессияси бу йил кузда Нью-Йоркда бўлиб ўтади). Ер юзидagi барча давлат, минтақа ва бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳофаза қилиш ва ҳал этиш учун тузилган бу халқаро ташкилот ўтган давр мобайнида тинчлик, ҳавфсизлик ва ҳамкорликка хизмат қилиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг биринчи сессияси Лондонда бўлиб, унда БМТнинг Устави, Хавфсизлик Кенгашининг ўрни ва аҳамияти, унга доимий аъзо бўлган бешта давлатнинг масъулияти тўғрисидаги масалалар кўпгина мунозараларга сабаб бўлган. Тайёрлик комиссияси маъру-

засини муҳофаза қилишда биринчи бўлиб сўзга чиққан Канада вакили Сен Лоран шундай дейди: "Бирлашган миллатлар ассамблеяси ишга киришган биринчи ҳафта айниқса катта аҳамиятга эга бўлмоғи керак. Биз тинчликни таъминлаш лозим бўлган бутун жаҳон ташкилотини тузиш тўғрисидаги умумий гоаяларни аниқ ҳолда амалга оширишга киришмоғимиз зарур. Биз ер юзидagi миллион-миллион оддий кишиларга бу ташкилотнинг ундан қутулган буюк вазифаларни бажариш учун етарли даражада кучли ва эпич эканлигини намойиш қилиб беришимиз керак". Низом кўп танқид ва мунозараларга сабаб бўлди. Бирок Хиндистон вакили Мудалир Низоми кўп танқид қилмасликка, уни ҳозирги тайёрланган ҳолида ўн йилга қолдириб синовдан ўтказишга даъват этди. Бундан кўнчиликл мазкур уллади. Айниқса, Янги Зеландия вакили Фрээрнинг тақлифи кўнчиликлнинг диққат-эътиборини тортиди. "Бизнинг фикримизча, — деди у, — Низомга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга ёрдам бериш учун тайёр турган ва ёрдам бериши мумкин бўлган ташкилотларнинг, чунончи, Бутундунги касабасоюзлари уюмаси ва бошқа ташкилотларнинг ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги тақлифла-

рини қабул қилиш ҳақида низом шартлари ва ифодалари-га мувофиқ тегишли эскартма киритилиши керак". Кейинчалик бу тақлиф ўзининг ҳаётлигини кўрсатди. Бугунги кунда БМТнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга ёрдам бераётган ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Зиммасига дунё миқёсда ҳакамлик қилишдек ўта оғир ва масъулиятли вазифа юклаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу тарзда юзага келди. Бу бутун дунёдаги давлатлар ва халқларнинг иккинчи жаҳон уруши оқибатларидан сабоқ олиб, ер юзидagi тинчликни сақлаш мақсадида кучларни ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш борасида эришган катта галабаси эди. Аммо Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йиллардан жиддий тўсиқлар ва қийинчиликларга дуч келди. Дунёнинг капиталистик ва социалистик лагерларга ажралиб қолгани, улар ўртасидаги муносабатлар тобора кескинлашиб, "Совет уруши" ҳолатига айлангани, иккита қарама-қарши тузум ўртасида жаҳонга таъсир ўтказиш учун кураш кучайиб кетгани БМТ фаолиятини, хусусан, унинг иккита асосий органи — Бош Ассамблея билан Хавфсизлик Кенгаши ишларини мураккаблаштириб юборди. Оқибатда баъзан муҳим қарорлар қабул қилишда тинчлик, ҳавфсизлик ва ҳамкорлик гоаяси эмас, балки бирорта буюк давлатнинг миллий маффаати асосий мезон бўлди. Бундай ҳолатда кўп-

ча ҳолисона қарорлар қабул қилинмади ёки қабул қилинган тақдирда ҳам уларнинг бажарилиши таъминланмади. Утган даврда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кескин синовларга дуч келган даврлар ҳам бўлди. Бу синовларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтишнинг ҳолати йўқ. Жумладан, Корея ярим ороли, Вьетнам, Африканинг бир қанча мамлакатлари, Ироқ, Жазиора, Яқин Шарқ, Югославия, Куба, Венгрия, Чехославия, Афғонистон сингари ўнлаб қалтис вазиятлар юз берган жойлардаги ҳолатлар тўғрисида ҳолисона ечимлар топишда БМТнинг ўрни ва мавқеи аяқол сезилди. Бутун жаҳон парламенти, деб аталувчи Бош Ассамблея БМТнинг бош органидир. Бош Ассамблеяга 185 дан ортиқ давлат аъзо бўлиб, глобал масалалар ечими юзасидан фаолият олиб боради. Бош Ассамблея БМТ Бош котиби сийёсати ва фаолиятига раҳбарлик қилади. Ҳозирги вақтда Корея Республикасининг собиқ бош вазир Пан Ги Мун Бош котиб вазифасини бажармоқда. Хавфсизлик масалалари ечимида БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорларига таянилади. Кенгаш 5 давлат: АҚШ, Россия, Хитой, Буюк Британия, Франция ва ҳар икки йилда ўзгариб турайдиган 10 давлатдан иборат. Умумий ўн беш аъзодан камиди тўққизтаси овоз бергандагина кўрилатган масала ечими қабул қилинади. Иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда эса 54 давлатдан ташкил топган Иқтисодий ва

Ижтимоий Кенгаш қарорлари муҳим аҳамиятга эга. 1993 йил февралда Тошкентда БМТ вакولاتхонаси иш бошлади. Бу БМТнинг кўпгина дастурларини мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилишига туртки бўлди. Жумладан, Таълим, фан ва маданият қўмитаси — ЮНЕСКО томонидан 1997 йил 20 октябрда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, 2002 йил 1 ноябрда Шаҳрисабз шаҳарининг 2700 йиллиги, 2006 йил октябр ойида Қарши шаҳарининг 2700 йиллиги, Халқаро "Шарқ тароналари" анъанавий фестивали, Маъмул академиясининг 1000 йиллиги сингари кўпгина тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг БМТ ва дунё ҳамжамиятида алоҳида мавқега эга эканлигини далиллади. Ўзбекистон БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, БМТнинг болалар жағмармаси (ЮНИСЕФ), БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ), БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД), БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, БМТнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилот (ЮНИДО)ларга аъзо. Хулоса қилиб айтганда бўлса, Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлиши халқаро миқёсда тинчликсевар сийёсат юритиш учун кенг имкониятлар яратди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**  
сийёсий шарҳловчи,  
"Туркистон-пресс"

# ХОРИЖ АБАРЛАРИ

## Қимматга тушган сәҳҳат

Россиянинг Владивосток шаҳар судида шаҳар мэри Владимир Николаевни лавозимидан четлатириш масаласи кўриб чиқилмоқда.


Ёпиқ шаклда ўтган суд мажлисида шаҳар мэрининг оқловчиси Ольга Корovina ва прокуратура вакиллари иштирок этди. Бироз вақт олдин шаҳар мэрияси маъмурияти, хусусан, Владимир Николаевнинг иш хонасини прокуратура ходимлари томонидан тинтув қилинган эди. У ердан топилган айрим молиявий ва бошқа ҳужжатлар асосида маъмурий иш кўзга тушди. Прокуратура матбуот хизматининг маълум қилишича, шаҳар мэри (Россия Федерацияси Маъмурий кодексининг 285-моддасига биноан) ўз лавозимини суийестмол қилишда гумон қилинмоқда. Суриштирилишда, В.Николаев шаҳар бюджетидagi маблағларни мақсадсиз сарфлаган. Шахсий тан кўриқчиси учун катта миқдорда маош тўлаш, турли



шаҳарларга сәҳҳат қилиш шулар жумласидандир. Масалан, мэз ва оила аъзолари, шунингдек, унинг икки урбосари оиласи томонидан Сеулда янги йил байрамини нишонлаш учун 950 минг Россия рубли сарфланган. Айбланувчи шаҳар аҳолисига қилган муножаатда унга нисбатан қўйилаётган айблар асоссиз бўлиб, маъмурий иш кўзга туширишдан мақсад уни лавозимидан четлатиш ва шаҳарни иқтисодий инкирозга учратишдан иборат эканлигини маълум қилди.

## 18 нафар бола ҳалок бўлди

Ироқнинг Рамади шаҳридаги футбол майдончаси ёнида автомобиль портлатилди. Оқибатда бу ерда футбол ўйнаётган 18 нафар бола ҳалок бўлди.



Рамади шаҳридаги аҳолининг ақсарият қисми АҚШ ҳарбийлари ва Ироқнинг янги ҳукуматидан норози бўлган суннийлардан иборат. Ўз қар-

шиллигини юқоридagi террорчилик ҳаракат орқали намоян қилувчилар ва шаҳарда талайгина. Бундан ташқари, ушбу ҳудуд рақобат қилувчи турли "ақидадараст гуруҳлар"нинг жанг майдонига айланган. Шунга қарамай, суннийлар қабиласининг шайхлар кенгаши 2006 йилда ҳукумат томонига ўтишни қарор қилган ва "Ал-Қоида" вакилларига қарши курашишни бошлаган эди. Ушбу сәй-ҳаракатлар ҳам самара бераётган оқибатда сунги пайтларда асосан ёш болалар жағрланмоқда.

## Чавес нефтни қайтариб олмоқчи

Венесуэла президенти Уго Чавес мамлакатдаги нефть компанияларининг барчаси 2007 йил 1 майдан бошлаб давлат назорати остига ўтиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳозирда мамлакатдаги ақсарият нефть компаниялари хорижликларга тегишли. Хусусан, АҚШнинг Exxon Mobil, Chevron Corp ва Conoco Phillips, Англиянинг British Petroleum, Франциянинг Total ва Норвегиянинг Statoil компаниялари Венесуэла нефтьларига эгалик қилаётди. Ҳукумат режасига биноан, ақциялар миқдори хорижий компанияларда ҳам бўлиши мумкин, бироқ маҳаллий Petroleos de Venezuela корпорацияси «қора олтин»нинг 60 фоиз қимматли қозонини назорат қилиши шарт. Чавес 1 майга қадар хорижликлар фаолият курсатаётган барча қонларда Венесуэла байроғи хил-пираб туришига ваъда берди. Мамлакат президенти кенг миқёсдаги миллийлаштириш



режаси ҳақида илк мартаба 2007 йилнинг январидида тўхталган эди. Нефть компанияларидан ташқари энергетика ва телекоммуникация тармоғини ҳам ҳукумат тасаруфига ўтказиш режалаштирилган. Миллийлаштиришдан жабрланган чет эл корхоналарининг иқтисодий зарари қопланади. Аниқланишича, хорижий сармоя миқдори 17 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. **Наргиза СОДИҚОВА** тайёрлади

# Ўзбекистон - Сингапур: Ишонч руҳидаги мулоқот ва ўзаро манфаатли битим

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қарор топмаган очиқ-ойдинлик ва тенг ҳуқуқли шериклик қойдаларига асосланган ташқи сийёсат халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатлар раҳбарлари, етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг, йирик хорижий фирмалар ва банкларнинг вакиллари амалга оширилаётган ислоҳий ўзгаришларни ва ҳамкорлик истиқболларини ўрганиш мақсадида республикамизга бот-бот таширф буюрмоқдалар.

Ўз навбатида, бизнинг мамлакатимиз раҳбарлари, иқтисодий тузилмалар вакиллари, мутахассислар ва мутаассадлар ҳам илгор давлатлар тажрибасини ўрганиш, улар билан тажриба алмашиш, томонлар учун манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлида кўплаб хорижий давлатларда бўлишди. Жумладан, шу йилнинг 26-27 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сингапур давлатига расмий таширфи фикримизнинг ёрқин далилидир. Таширф давомида иқтисодийнинг томонлар учун манфаатли бўлган барча соҳалари бўйича ҳамкорликни қарор топтириш ва ривожлантириш юзасидан келишувларга эришилди. Урашувлар чоғида бўлиб ўтган ўзаро ишонч руҳидаги мулоқотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Сингапур Республикаси ҳукумати ўртасида олий даражада имзоланган Иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги битим мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратди. Масалан, "Ўзстандарт" агентлиги билан Сингапур Стандартлар, ишлаб чиқариш ва инновация кенгаши (SPRING) ўртасида ҳам стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида ҳамкорлик битими имзоланди. Аввало, Сингапур SPRING ташкилоти хусусида. Бу ташкилотнинг бош мақсади ривожланаётган мамлакат иқтисодийнинг махсулот ишлаб чиқаришдаги рақобатбардорчилигини оширишга ҳисса қўшишдир. Зеро, миллий стандартлаштириш дастурларини

бошқариб, мувофиқлик талабларини таъминлаб туради. Саноат корхоналарини энг илгор даражада олиб чиқиш билан стандартлаштириш соҳасида ахборот инфраструктурасини шакллантиради. SPRING ташкилоти дунёнинг ушбу тизимдаги барча ташкилотларига тўлақонли аъзо. У ўзининг меъерий ҳужжатлари ва тартиб-қоидаларига эга бўлиб, уларга амалиётда қатъий амал қилади. Шу боиски, SPRINGнинг турли шаклдаги ҳужжатлари бутун дунё бўйлаб тан олинади. Шунингдек, савдо операцияларини амалга оширишда юзага келадиган SPRING техник тўсиқлар SPRING томонидан тўла бартараф этилган. Сингапур SPRING ва "Ўзстандарт" агентлиги мутахассислари асосан куйидаги соҳаларда ҳамкорлик қилишга келишиб олишди: — илмий-техникавий ҳамкорликка кўмаклашиш ва савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш учун миллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришни таъминлаш; — давлатларга алмашинадиган махсулотларнинг меъерий хизматларини мослаштириш бўйича ҳамкорлик қилиш; — Физик катталар учун миллий ва ишчи эталонларни ишлаб чиқариш, тақомиллаштириш ва уларни солиштиришда биргаликда фаолият кўрсатиш. Мазкур битимнинг кучга киришида Ўзбекистон томони асосан учта манфаатни кўзлабди: биринчидан, соҳаларни тақомиллаштириш ва ривожлантириш; иккинчидан, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш ва сертификатлаш-

тирилиши лозим бўлган махсулотлар рўйхатларини қайта кўриб чиқиш; учинчидан, махсулотни сертификатлаш билан боғлиқ ишлар (стандартлаштириш ва синов лабораториялари ҳамда сертификатлаш идоралари) устидан назоратни кучайтириш, уларнинг халқаро даражадаги аккредитациясини таъминлаш.

Расмий таширф давомида томонлар стандартлаштириш, метрология ва аккредитация соҳасида меъерий ҳужжатлар, ахборотлар ҳамда даврий нашрларни, шунингдек, миллий стандартларни тайёрлаш учун миллий стандартлар, нормалар ва процедуралар каталогларини алмашишга келишиб олдилар. Айни шу жараёнда мутахассисларнинг ўқитиш ва малакасини ошириш ишлари бўйича ҳам тегишли материаллар тайёрланди. Айниқса, томонлар мутахассислар савиясини ошириш, турли стандартлар бўйича халқаро даражада тан олинган стандартлар асосида уларни тайёрлаш, ўқув-семинарлари ташкил қилиш, тренинглар уюштиришни амалга оширишни кўзда тутидилар. Президентимиз Сингапурдаги урашувлар чоғидаги мулоқотларда қилган маърузаларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган махсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг рақобатбардорлигини оширишни долзарб масалалардан бири қилиб қўйдилар. Шубҳасиз, бу масалалар ечимида стандартлаштириш ва сифат тизими самардорлигини оширишнинг ўрни, аҳамияти жуда катта аҳамият касб этади. Хуллас, халқаро ҳамкорлик доирасидаги "Ўзстандарт" — SPRING ўртасидаги битим кўзда тутилган соҳаларни ривожлантириш ва тақомиллаштиришда қўйлаётган навбатдаги кадам бўлди. Зеро, у юртимизда фаолият юритаётган тадбиркорларга кенг имкониятлар эшигини очиб бериши мукяррар. **Қудрат ШАРОВИДДИНОВ,** "Ўзстандарт" агентлиги матбуот бўлими мутахассиси **Қамол ОЛЛОЕВОВ,** журналист



Касби туманидаги "Кенжабобо Эгамбердиев" фермер ҳўжалиги бир неча йилдирки, галла ва пахта режасини ортиги билан урдалаб келмоқда. — Биргина ўтган йилда шартномада белгиланган галла етиштириш режасини қарийб 130 фоизга етказдик, — дейди фермер ҳўжалиги иш юритувчиси Курбонали Кенжаев. — Олинган даромад ҳисобидан туман марказий шифохонасининг таъмирлаш ишларига кўмаклашдик, Насрулло Жамолов номли ўрта мактабга компьютер олиб бердик. Айни кунларда фермер ҳўжалиги экин далаларида иш қизғин. Ҳўжалик аъзолари қарийб 120 гектар экин майдонида баҳорги мавсумга тайёргарлик кўришяпти. 30 гектар ерда эса галла парвартишланмоқда. Сурагда: фермер ҳўжалиги иш юритувчиси Қ. Кенжаев (чапда) ва "Тошқўрғон-Галла" МТП бош агрономи С.Болтаев бўлган галла ҳосилини кўздан кечиришяпти.

# Қарор қатъий, шикоятга ўрин йўқ!

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлида яна бир катта қадам қўйилди. 2007 йилнинг 1 январидан "Ҳакамлик судлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга киритилди. Ҳўш, ҳакамлик судларининг амалдаги қонунийликда тутган ўрни қандай? У одил судлов тизимига мазмун-моҳиятига мос келадиган қайси ишларни кўриб чиқиши белгиланган? Адвокатлар ассоциацияси Самарқанд вилоят бўлими хузуридаги ҳакамлик суди раиси Муродқобил Маҳмудовга шу хусусдаги саволлар билан муножаат қилдик. — Муродқобил Авазович, одатда судлар ҳар қандай вазиятда қонун ҳимоясини сифатида мустақил иш юритади. Бу бордада ҳакамлик судлари қандай вазиятларга эга ва бу вазиятларни амалга ошириш фуқаролар учун зарур қабул қилинади. — Асли ҳакамлик судлари ҳуқуқий ислохотлар заминда юзага келган янги, мукаммал бўлин. У ҳам барча судлар қатори мустақил. Лекин демократик андозаларга мос келадиган фарқли жиҳатлари ҳам борки, бу ҳакамлик судлари зиммасига алоҳида масъулият, аниқлик ва ҳолислик ишларининг юклайди. Биринчидан, суд ишини кўриб чиқишда ҳозиржавоблик, қисқа муддат ва тарафлардан

бирининг манфаатларини ёқлаб қабул қилинади, иккинчи ҳал дарҳол киришилаётган ҳал қилув қарори. Бу қарор устидан нега? Шунинг учунки, иш кўриб чиқилганга қадар даъвогар ва жавобгар томонлар демократик ҳуқуқлардан тўла фойдаланган ҳолда судларни ўзлари танлайди. Ҳўш, улар илтимосига қўра ҳакамлик суди раиси томонидан тайинчан суднинг хизматидан фойдаланадилар. Иккинчидан, ҳакамлик судларига муножаат қилишда тарафлар амалдаги давлат божининг 50 фоизини тўлайди. Айрим ҳолларда эса тарафлар 50 фоизли давлат божини тўлашдан қисман ёки буткул озод қилиниши мумкин. Учунчидан, ҳакамлик судларида иш асосан тарафларни муножаат қилириш йўли билан ҳал этилади. Башарти, томонлардан бири келишувга рози бўлмаса, у ҳолда иш суд мажлиси билан мундан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади. Ва, ниҳоят, ҳакамлик судлари фуқароларнинг қонун билан қўриқиланган фуқаролик ҳамда ҳўжалик муносабатла-

ридан келиб чиқадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча зарур таъсир чораларига эга. Ҳакамлик суди қабул қилган қарорнинг мажбурий ижроси таъминланиши, суднинг кейинги босқичлари ва муножамага янги қолмаслиги билан ҳам янги тизим фаолияти эътиборга моликдир. — Сиз масаланинг назарий жиҳатлари ҳақида маълумот бердингиз. Ҳакамлик суди амалда ўзини қандай намоян этмоқда? — Аввало шуни таъкидлаш лозим, фуқаролик жамиятининг манфаатларини қўзлаб қабул қилинаётган ҳар қандай қонун ва унинг заминида юзага келадиган тизим сўзсиз ўз мақсад-моҳиятини оқлаши керак. Шу жиҳатдан ҳакамлик суди тезда фуқаролар назарига тушиши керак. Қисқа вақт мобайнида 70 га яқин фуқаролик ва ҳўжалик ишларини кўриб чиқдик. Уларнинг барчасида ижро учун мажбурий бўлган ҳал қилув қарорлари чиқарилиди. Биргина мисол келтирмоқчиман. Ҳакамлик судига истеъмоқчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Самарқанд шаҳар жамияти даъво аризаси билан муножаат қилди. Унга қўра, жавобгар томон — "Самарқандшаҳарга" идораси 2 миллиард 257 миллион сўмликдан ортиқроқ газ тўловини истеъмоқчилар зарарига нотўғри

бурчимиздир. Шу хусусда яна битта мисол келтирмоқчиман. Ҳўрғун туманида яшовчи тадбиркор Ш.Салимов мулкка эгаллик ҳуқуқини белгилаш тўғрисида ҳакамлик судига даъво аризаси билан муножаат қилган, унда жавобгар — "Урамас" савдо корхонаси даъвогар маблағи эвазига қўрилган дўконни ўз ҳисобига расмийлаштириб, фонд мулк эгаси сифатидан фойдаланиши шартли қилиб келаяпти. Ҳакамлик суди қарор қилиб, нозорат органиларга илгар давомида неча юзлаб сифатли шикоятлар йўлланишига сабаб бўлган мазкур иш шу тариха ижобий ҳал этилди. Ҳўш, ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун қўшада тўшломлай турган бошқа тадбиркорлар ҳам айнан ҳакамлик судига кетма-кет даъво аризалари билан кириб келишларини ижобий ҳолат деб баҳолаш лозим. Негаки ҳакамлик судини тан олиб келишибдими, демократик бизга ишонмишди. Фуқароларнинг ҳуқуқларини аниқлаштириш ва қонун қўйишдан фойдаланишларига кўмаклашиш эса бизнинг бурчимиз!

Сўзбалоли: **Зоҳир ТУРАҚУЛОВ,** "Адолат" муҳбири

